

Олим Олтинбек

Миллий шуур шугъласи



2021-йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙАТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Олим ОЛТИНБЕК

МИЛЛИЙ ШУУР ШУЪЪЛАСИ

Тошкент
«Royalt exclusive» нашриёт
2021

УЎК 21.512.133.09-1

О 52

КБК 83.3(5Ў)

О 52

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан 2021 йил 29 ноябрдаги 8-сонли мажлисида наизга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:
Баҳодир Каримов – профессор

Тақризчилар:
Абдулла Улуғов – профессор,
Олим Усмонов – доцент

Олтинбек, Олим

Миллий шуур шўъласи. [маън] О. Олтинбек / . – Тошкент:
«Poutaxt exclusive» нашриёт, 2021 йил. б.

Ушбу монография шеърят ҳақида, бўлганда ҳам, яқин ўтмишда яратилган миллий шеърларимиз хусусида. Миллий шеър деганда биз кўпроқ миллий куйбарга мослаб ёзилган шеърларни тушунамиз. Бу тўғри. Лекин, шунинг баробарида, миллий дардини куйлаган назмий биттиқларимиз ҳам миллий шеърдир. Бундай шеърлар ёзиш ижодкордан шаклланган миллий шуурни талаб қилади. Бу шуурдан таралган шўъла эса миллий қалбини нурлантиради, йўлини равшан қилади. Китобдаги аксарият мақолаларда миллий адабиётимиздаги мана шундай шеърлар таҳлилга тортилган. Бу таҳлиллар Сизнинг шуурингизни ҳам шўълалантиради, деб умид қиламиз.

© О. Олтинбек 2021
© «Poutaxt exclusive» nashriyat, 2021

ISBN 978-9943-7815-2-8

ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ИСТИБДОД ВА ИСТИҚЛОЛ

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Истибод (а.) – мустабидларнинг маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуққа асосланган жабр-зулми; шу асосга қурилган идора усули”, дейилса, “Истибоддоччи – истибоддогга асосланган мустабид, золим. *Истибоддоччи ҳужумат* – золим подшоҳ ҳужумати”, дея изоҳ берилади. Биз ушбу мақолада истибоддоччи деганда оқ ва қизил Россиянинг миллатимиз устида юргизган золимонга сиёсатини, бу икки ниқобдаги бир босқинчи давлатнинг Туркистон ўлкаси бойлиқларини талашга ва халқини қулга айлантиришга қаратилган машъум сиёсатини назарда тутамиз. Чунки бу замин халқлари бунга қадар бу даражада хорланмаган ва таланмаган эди. Бу очофаг давлат томонидан босиб олингандан кейин Туркистон қаддини тиклай олмади. Бу ҳам етмагандай, унинг ворислари бу юртни адолатсиз равишда бешга бўлиб ташлади. Шунинг ўзигина мустабид қизил Россиянинг оқ Россиядан бадтар бўлганини кўрсатади. Оқ подшо даврида истибоддогга қарши битилган асарлар бизгача етиб келган, лекин қизиллар даврида бу ҳақда ёзганлар қизил қонга боғирилди. Бунга тарих – шохид, бунга адабиёт – гувоҳ. Келинг, ҳозир Оқ подшо давридаги истибоддог ҳақида сўзласак. Дарвоқе, биз сўзламаймиз, биз сўзлаб ўтганларнинг сўзларини келтирамиз, холос.

Бу истибоддог ҳақидаги дастлабки сўзни миллатпарвар шоиримиз Саидахмад Сиддиқий-Ажзийдан эшитамиз:

*Алим озод экан занжир истибодда банд этгач,
Танимни хаста кўргач, раҳи умид этдим – жафо
этдинг.*